

## Қуръонга оид савол-жавоблар (иккинчи мақола)



18:39 / 12.12.2022 4339

**2-савол: «Нух алайҳиссалом билан Лут алайҳиссаломнинг хотинлари эрларига қандай хиёнат қилишган. У аёллар пайғамбарларнинг хотини бўла туриб, фаҳш ва зино хиёнатини содир этишганми?»»**

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Алҳамдулиллаҳи Роббил ʼаламийн. Ва соллаллоҳу васаллама ва барока ʼала Набиййина Муҳаммад ва ʼала олиҳи ва асҳабиҳи ажмаъийн.

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва таъала ва барокатух  
Азиз биродарлар, Аллоҳ сизларни саломат қилсин. **«Қуръонга оид савол-жавоблар»**

дастуримизга хуш келибсиз. Баъзи инсонлар Аллоҳ таолонинг

وَقِيلَ شَيْئًا اللَّهُ مِنْ عَنَّهُمَا يُغْنِيَانِيَا فَكَاثَا هُمَا صَالِحِينَ عِبَادًا مِّنْ عِبْدِي تَحْتَ كَانَا لُوَطٍ وَأَمْرَاتٍ نُوحٍ أَمْرَاتٍ كَفَرُوا لِلَّذِينَ مَثَلًا اللَّهُ ضَرْبٌ

﴿١٠﴾ الدَّخِيلِينَ مَعَ النَّارِ أَدْخُلَا

**«Аллоҳ куфр келтирганларга Нухнинг хотини ва Лутнинг хотинини мисол қилиб келтирди. Улар бандаларимиздан икки солиҳ банданинг измида эдилар. Бас, уларга хиёнат қилдилар ва (эрлари) улардан Аллоҳдан бирор нарсани қайтара олмадилар ва уларга: «Оловга кирувчилар билан киринглар!» - дейилди»** (Таҳрим сураси, 10-оят) ояти ҳақида шундай савол берадилар:

**«Нух алайҳиссалом билан Лут алайҳиссаломнинг хотинлари эрларига қандай хиёнат қилишган. У аёллар пайғамбарларнинг хотини бўла туриб, фаҳш ва зино хиёнатини содир этишганми?»**

Бу саволга қуйидагича жавоб берамиз:

«Оятдаги «хиёнат» сўзидан мурод, баъзилар ўйлаганидек фаҳш, зино хиёнати эмас. Бундай ўйлашдан Аллоҳ асрасин. Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбарларига зино қиладиган, фаҳш ишлар билан шуғулланадиган аёлларни жуфти ҳалол қилиб бермаган. Бузуқ аёллар пайғамбарларнинг хонадонида яшашини ирода қилмаган. У ҳолда оятда қандай хиёнат ҳақида сўз бормоқда. Бу — ақийдага хиёнат, динга хиёнат бўлиб, хиёнатнинг энг оғир тури ҳисобланади. Чунки хиёнат сўзи кўп маъноларда ишлатилади. Бу сўз фақатгина шараф ва обрўга хиёнат маъносида ишлатилмайди, балки турли ўринларда ишлатилади. Жумладан, динга, ақийдага, омонатга, масъулиятга, умматга, давлатга, молу дунёга хиёнат каби турлари бор. Юқоридаги оятда зикр қилинган икки аёлнинг ўз эрларига қилган хиёнатларини шараф ва ор-номусга хиёнат, яъни зино маъносидаги хиёнат дейилмайди. Шундай экан, қандай қилиб биз Қуръони Карим назарда тутмаган маънони ўйлаймиз ва қандай қилиб хаёлга келтирамиз?!

Демак, оятдаги **«Бас, уларга хиёнат қилдилар»** жумласидаги хиёнат, дин ва ақийдага хиёнатдир. Бу икки аёл гарчи эрлари пайғамбар бўлса-да,

Аллоҳ азза ва жаллага иймон келтиришни рад этдилар, ширкка рағбат кўрсатдилар, бут-санамларга ибодат қилиш йўлини танладилар. Бу икки хотиннинг эрларига қилган шу турдаги хиёлати кундан-кун зиёда бўлиб борди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо бу оятнинг тафсирида шундай деганлар:

**«Бирорта пайғамбарнинг аёли ҳеч қачон бузуқлик қилмаган».**

Фақатгина Нух алайҳиссаломнинг аёли бирор киши иймон келтирса, уни иймондан қайтаришга, диндан ва эри Нух алайҳиссаломдан нафратлантиришга уринар эди.

Лут алайҳиссаломнинг аёли эса бирор киши Аллоҳга ва пайғамбарига иймон келтирса, ўша одамни иймондан қайтаришга, уни ҳақ йўлдан тўсишга эришиш учун бу хабарни қавмига, одамларга чақиб берар эди. Демак, оятдаги хиёлат сўзи, Аллоҳнинг диндан тўсиш, Аллоҳ таборака ва таолога иймон келтиришга, ақийдага ва даъват ишига хиёлат маъносидадир.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло эътиқод, дин эркинлигига ажойиб услуб билан ишора қилган. Шунингдек, бу оятда эр ўз хотинини мажбурлаб динга киритишга уриниши жоиз эмаслигига ҳам ишора бор. Чунки, бировни динга мажбурлаб киритиш солиҳ, самимий мусулмоннинг эмас, аксинча, қалбида марази бор, сохта, мунофиқ, хиёлатчи, ёлғончи инсоннинг вужудга келишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам динга мажбурлаш йўқ.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

﴿عَلِيمٌ سَمِيعٌ وَاللَّهُ هَا أَنْفِصَامَ لَا الْوَتَقَىٰ وَالْعُرْوَةَ اسْتَمْسَكَ فَفَدِيَ اللَّهِ وَيُؤْمِنُ بِالطَّغُوتِ يَكْفُرُ فَمَنْ أَلَيْ مِنَ الرُّشْدِ بَيْنَ قَدِّ الدِّينِ فِي إِكْرَاهٍ لَا

**«Динга мажбурлаш йўқ. Батаҳқиқ, тўғрилиқ эгриликдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлабди. Ва Аллоҳ ўта эшитувчидир, ўта билувчидир»** (Бақара сураси, 256-оят) деб марҳамат қилган.

Пайғамбарлар бу ҳукмга амал қилиб, аёлларини динга мажбурлашмаган. Уларга гўзал услуб билан насиҳат қилиб, эътиқод эркинлигини қолдиришган. Икки улуғ пайғамбарнинг аёллари эса юқорида айтилганидек, эрларига хиёнат қилиб, диндан юз ўгирдилар. Агар Исломи динига ихлос билан, кучли ишонч асосида, онгли равишда, чин қалбдан хоҳлаб эътиқод қилинса, бу амал саодатли ҳаётнинг вужудга келишига сабаб бўлади, ўша саодат, аввало, яқка шахснинг ҳаётида, сўнгра бутун бир жамиятда акс этади.

Юқоридаги оятда келган «хиёнат» сўзи фаҳш ва зино маъносидаги хиёнат эмас, балки ақийда ва иймонга хиёнат маъносидадир.

Аллоҳ таолодан барчамизни динини теран ва чуқур англовчилардан қилишини, Китобининг ҳикматларини бизга таълим беришини сўраймиз»

*(Давоми бор)*

Доктор Марвон Ваҳид Шаъбон ҳафизахуллоҳнинг видеосўҳбатларидан.

**Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон**  
**Муҳаррир: Хуршид Маъруф**